



Tadqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022

IYUL

№42



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
9-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-9**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 42-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 39 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Doniyorova Zukhrabonu Alisher qizi</b>	
AUTOMATION OF TECHNOLOGICAL PROCESSES .....	7
<b>2. Сафаров Сарвар Абдухалим ўғли</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	10
<b>3. Холмираева М.З.</b>	
МЕХНАТ БОЗОРИДА ИШЧИ КУЧИ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ДАРАЖАСИ .....	13
<b>4. Абдурахмонов С.Ғ.</b>	
СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	15
<b>5. Абидов Дилшод Марифович</b>	
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	17
<b>6. Атажонов Илҳом Абдумуталович, Собиров Азизбек Авазбекович</b>	
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛНАДИГАН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....	19
<b>7. Аҳмадалиев Исломбек Йўлдошли ўғли</b>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҶАРЗ СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	22
<b>8. Ботров Жамшид Тўйчибоевич</b>	
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА ХУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	25
<b>9. Қувондиқов Акбарали Қурбонмуратович</b>	
БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ .....	27
<b>10. Омонов Темурмалик Зафаржон ўғли</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИ.....	30
<b>11. Собиров Азизбек Авазбекович</b>	
ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	33
<b>12. Ярбеков Улугбек Машрабович</b>	
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА АҲБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	36



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### AUTOMATION OF TECHNOLOGICAL PROCESSES

**Doniyorova Zukhrabonu Alisher qizi**

Doctoral student (PhD) of the  
Tashkent state university of economics  
[zukhra.doniyorova@gmail.ru](mailto:zukhra.doniyorova@gmail.ru)

**Abstract:** The article examines current issues in technological process automation, describes the principles of compliance in the design of an automated process, discusses the benefits and drawbacks of automation in the manufacturing process, highlights the positive aspects, and reveals a number of issues that businesses face when implementing automation in the manufacturing process.

**Keywords:** automation, production, technological processes, innovative technologies.

Automation of technical processes has recently emerged as a hotly debated scientific topic. This is owing to the advancement of novel technologies, software in different sectors of manufacturing and industry, and the use of technology to aid human work.

The ability to highlight such areas of process automation as the possibilities of employing electronics, electronic equipment for control and monitoring, sensors, technology with work automation, and the development of robotic mechanisms may all be found in the materials of scientific articles. Today's technological advancements necessitate the highest levels of automation [1].

#### What is Automation Process?

**Process automation** uses technology to automate complex business processes. It typically has three functions: automating processes, centralizing information, reducing the requirement for input from people. It is designed to remove bottlenecks, reduce errors and loss of data, all while increasing transparency, communication across departments, speed of processing.

Automation is acknowledged as a scientific and technological trend that manifests itself in the employment of self-regulating technical means, procedures, and control systems that totally remove a person from production processes or information.

The primary purpose of technical process automation:

- Increasing the efficiency and quality of the manufacturing process;
- Improving and ensuring the manufacturing process's safety.

The objectives are met by completing a series of tasks:

- Enhancing the standard of regulation;
- Increasing the availability of equipment;
- Enhancing the ergonomics of the manufacturing process;

The challenges are solved utilizing the following ways:

- Introduction of modern automation methods;
- Introduction of modern automation technologies.

The importance of technical process automation stems from the fact that a production management system and an enterprise management system can be organized within the framework of a single production process. All links in the enterprise's production process must work with the utmost precision in order to apply automation.

In most cases, an automated process control system (APCS) is used to automate the production process [2]. A process control system is a sophisticated system that automates basic manufacturing processes.

In the form of control panels, means of processing or storing information throughout the process or production, APCS represents a centralized control system of the production process. Industrial networks establish information connection between subsystems.

The creation of automated systems for the manufacturing process should take into account the



following criteria:

- open system architecture;
  - interaction between different levels of the system;
- The implementation of manufacturing automation results in:
- improved product quality;
  - positive labor productivity growth dynamics;
  - Increasing the efficiency of activities is one of the goals;
  - a boost in the level of security[3];
  - phased introduction of the system into operation and its development.

An increase in revenues, a decrease in production rejects, lower product costs, improved product quality, and better control are all favorable outcomes of implementing an automated system. The difficulty of the production system, retraining of workers, and the increase of unemployment are all serious features of automation of production [4].

Only innovative systems such as production automation, i.e., transfer of management and control functions from a person to technical equipment.

Production operations can be automated.

Because of the lower hardware costs, automation of industrial processes is the most profitable economic argument in favor of integrating several systems.

**Therefore, complex automation of production includes:**

- high information content;
- the ability to analyze the technological situation;
- high accuracy of measuring technological parameters and their regulation;
- automatic dosage of components;
- the prospect of expanding control systems;
- the ability to create automatic jobs

A process is defined by organization theory and cybernetics as a sequential change in the states of a system or object that leads to changes and development.

Production cannot work without the involvement of four different sorts of stages.

**Automation of manufacturing processes reduces the impact of the human component and is used to increase:**

- speed with which repetitious chores are completed;
- job of high grade;
- the amount of information that can be used to compute and assist procedures;
- control precision;
- availability of solutions in a timely manner for both routine and emergency scenarios.

Automation of production processes is a tool for improving the quality of management at each level of the company's hierarchy,

The owner or CEO of the company, as well as the heads of structural divisions, are in charge of strategic management. Accounting and technological departments handle the automation of production processes, as well as the development of tactics, by using specialized software to manage resource storage and distribution, calculate financial and material costs for completing tasks, control product quality, and perform maintenance and repairs. The implementation of software for the economic department, logistics, and procurement is included at this level.

**Levels of automation in production:**


1. Human participation is only allowed for the purpose of accomplishing labor steps.
2. When executing idle runs on specified equipment, automation of the first level operating cycle eliminates human participation.
3. Automation at the second level. The difficulties of supply and shipment, machine system control, and waste disposal are all addressed here.
4. This is the third stage of automation. Covers all aspects of the manufacturing process, from the simplest to final product testing and shipment

**The following are some of the goals of technological solutions based on the usage of electronic equipment and software:**

- enhancing product quality and competitiveness;
- decreased energy usage;
- lowering costs;
- a reduction in the number of people involved in the project;
- a rise in the quantity of manufactured items;



- Sales marketplaces are being expanded.



**Figure 1.3 levels of the organization's operations**

The use of automated controls optimizes production processes and reduces costs.

In automation projects, the main properties of the created control system are described. Also, the main technical solutions and schemes for the construction of the complex are introduced.

**Automation of business** processes ensures the continuous development of the company, increasing competitiveness and increasing income, facilitates data analysis, planning and management:

- lower (executive) - for routine operations, conveyor production, and maintaining environmental conditions and operating modes within a specified range;
- medium (tactical) - allocates tasks to lower-level components, participates in resource and data planning and management;
- Enterprise management, analytics, and forecasting are at the top (strategic) level.

The use of automation in production management is not as ubiquitous as it was in the previous generation. This is because management decisions are based not only on factual data, but also on the management team's intuition.

#### ***There are such degrees of production automation:***

1. Partial. The degree to which individual production units and devices have gone through the process.
2. Complex. This is the degree when entire workshops or departments have undergone automation. They work in isolation and carry out a specific task.
3. Complete. A type of involvement in the process, in which production is fully autonomous.

#### **References**

1. N.F. Voinovay Automation of technological preparation of production for small innovative enterprises in mechanical engineering
2. Technological preparation of production in CAD / P.Yu. Bunakov, E.V.
3. Innovative design of digital production in mechanical engineering / S.G. Selivanov, A.F. Shaikhulova,
4. Poezzhalova S.N., Selivanov S.G., Borodkina O.A., Kuznetsova K.S. Recurrent neural networks and optimization methods for design technological processes in ASTPP machine-building production
5. Systems engineering of innovative production preparation in mechanical engineering / S.G. Selivanov, M.B. Guzairov.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

Сафаров Сарвар Абдухалим ўғли

Сариосиё туман Давлат солиқ инспексияси,  
Камерал солиқ текширувлари шўбаси бошлиги

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсати, тадбиркорларни қўллаб-қувват борасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг амалий натижаси, солиқ имтиёзлари ва қўлланилиш соҳалари, тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ва соҳадаги мавжуд солиқ солиши муаммолари ва имтиёзлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Солиқ, имтиёз ва преференсиялар, иқтисодиёт, тадбиркорлик, солиқ юки, хизмат кўрсатиш, чакана савдо, мол-мулк солиғи, ер молиғи, фойда солиғи.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг даражаси ўша мамлакатда тадбиркорликнинг қай даражада тараққий этганлигидан далолат бериб туради. Айни пайтда иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши унинг таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари улушининг кўпайиб бориши билан белгиланса, шу соҳа улушининг кундан-кунга ортиб бориши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган ишбилармонлик мухитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар самарасини республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларига берилаётган имтиёз ва преференсиялар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуниси ҳам эътиборга моликки, ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субектлари орасида юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтаётганлар кўпчиликни ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабргача республика резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинганлиги соҳага қанчалик эътибор катталигидан далолат беради.

Шунингдек, президент ва ҳукуматнинг 2022 йил 1 июлгача қабул қилинган ҳужжатларида назарда тутилган божхона божи бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қиласди.

Шу билан бирга, Чакана савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, йўловчи ва юк ташиш, автотранспортларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, майший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, кўнгилочар жойларда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар — **2022 йил 1 апрелдан 2025 йилдан 1 январгача ижтимоий солиқни 1 фоиз тўлайди[1];**

• Тадбиркорлар 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача майдони 5 минг кв/м дан кўп савдо комплекслари ва меҳмонхоналар, улар эгаллаган ерлар бўйича қўйидагиларга ҳақли этиб белгиланди:

- мол-мулк ва ер солиғи бўйича ставкаларга нисбатан 0,1 коэффициентни қўллашга;
- фойда солиғини хисоблашда 2 йиллик мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатларга киритишга эришилди бу эса туризм соҳасида тадбиркорларга берилиган имтиёзлардандир.

Хўжаликларда балиқ етиштиришни кооперация асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январгача барча солиқлардан (ҚҚС ва ижтимоий солиқ мустасно) озод қилинган.

Чарм, мўйна хом ашёси ва жунни қайта тайёрлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинган.

Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 23 августда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлар билан илк бор учрашув ўтказди. Президентимиз жуда кўп нарсага эътибор



берди. 7та йўналиш белгилаб берилган бўлса, шулардан бири – солик йўналиши[1].

Солик йўналишида биринчи бўлиб ҚҚС маъмурчилигини такомиллаштириш таъкидланди. ҚҚС маъмурчилигида энг муҳими қўшилган қиймат солигида экспортчи тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратиш мақсади белгиланди.

**ҚҚСни ҳисобга олишда солик ва божхона идораларининг электрон базаларини ўзаро боғлаш лозим.** Кўшилган қиймат солиги бўйича база яратиш – ҚҚС маъмурчилигини яхшилашдаги иккинчи масала. Бунинг ичига божхона тўлови ва ички бозор тўлови киради. Мисол учун, ички бозорда кўпроқ маҳсулот сотиб олиб сизда минус пайдо бўлиб қолди дейлик. Божхона орқали товар импорт қилаётганда сизда товар сақланиб турган бўлса, ҚҚСни ўша ерга йўналтириш имкони пайдо бўлади. Бу – сиз қўшимча маблағ қидириб ўтирумаслигингизни англаатади.

Шу билан бирга, президентимиз мулоқотда иккита нормани айтиб ўтдилар: биринчиси ҚҚСни 7 кунда қайтариш, иккинчиси ҚҚСни импорт қилаётганда бўлиб-бўлиб 120 кунда тўлаш.

### **13 мингта умумий овқатланиш корхонаси йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан озод қилинди.**

13 мингта умумий овқатланиш корхоналари ер ва мулк солиғидан озод этилиши белгиланди, бу бўйича алоҳида қарор қабул қилиниши лозим. Бундан ташқари, агар умумий овқатланиш корхоналарининг қарздорлиги бўлса, бўлиб тўлаш имкониятини бериш керак[2].

Ер ва мулк солиғидан озод этиладиган корхоналар сифатида шу сабабли ҳам 13 мингта тадбиркорлик субъектлари танланган.

Уларнинг айримлари ер ёки мулки йўқ, аммо қарздорлиги бор, улар учун қарздорлигини бўлиб тўлаш имконини бериш мақсадга мувофиқ.

Айримларининг ери бор, мулки бор, қарздорлиги йўқ. Шу ер ёки мулки учун имтиёз бериш лозим. Айримларининг ер, мол-мулки ва қарздорлиги ҳам бор.

Тадбиркорликни қўллаб-куватлашда яна бир кенг имкониятлардан бири бу ҳисоботларни кечикириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби тўлиқ бекор қилиниши таъкидланди. Бу ҳам тадбиркорларга янги имкониятларни очади.

**Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар учун фойда солиғи пасайтирилиши режалаштирилган.** Цемент ишлаб чиқарувчилар фойда солиғини 20 фоиздан тўлайди. Бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар эса 15 фоиздан. Мулоқотда қорақалпоғистонлик тадбиркор рақобат муҳитидан келиб чиқиб биз ҳам 15 фоиздан тўлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби 2018 йилда 50 фоиздан қўшимча даромад солиғи бор эди. Ўшанда ислоҳот қилинаётганда уларга фойда солиғи 20 фоиз этиб белгиланганди. Президентимиз солиқни 15 ёки ундан ҳам пастроққа пасайтириш имкониятларини кўриб чиқиш лозим. Лекин хомашё, ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ҳам 2 баробарга камайтирилишини ҳисобга олиб, солиқларни 15 фоизга пасайтириш чораларини кўриш маъқул[3].

Маълум бўлишича, амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибларга асосан мазкур даврда мамлакатда жами 44 183 та хўжалик юритувчи субъект солик имтиёзларидан фойдаланган бўлиб, улар учун қўлланилган солик имтиёзларининг умумий қиймати 9 триллион сўмдан зиёдни ташкил этади.

Солик имтиёзлари 7 турдаги солиқлар бўйича берилган ва уларнинг салмоқли қисми қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) хиссасига тўғри келади (93,5 фоиз). Кейинги ўринлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (1,6 фоиз), фойда солиғи (1,6 фоиз), ер солиғи (1,3 фоиз), ижтимоий солик (1 фоиз), мол-мулк солиғи (0,6 фоиз) ва айланмадан олинадиган солиқлар (0,3 фоиз) жой олган[4].

Солик имтиёзига эга бўлганлар рўйхатида мулкчилик шакли турлича бўлган солик тўловчилар мавжуд. Рўйхатда давлат корхоналари, ҳусусий тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари ҳамда хорижий компаниялар қайд этилган.

Соҳалар кесимида бўйича тоғ-кон саноати, банк, транспорт, фармацевтика, коммунал хизмат кўрсатиш, нефт-газ қазиб чиқариш, энергетика, суғурта, тиббиёт, қурилиш, дам олиш, спорт ва бошқа йўналишларда фаолият юритган корхоналар имтиёзлардан фойдаланган.

Солик имтиёзлари ичida энг кўп қўлланилган тури жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўлиб, ундан 16 565 та ёки 37,7 фоиз хўжалик юритувчи субъект фойдаланган. Энг кам имтиёз қўлланилган солик тури эса фойда солиғи саналади, ушбу имтиёздан 772 та



ёки 1,7 фоиз тадбиркорлик субъекти фойдаланган.

Шунингдек, солик имтиёзига эга бўлиб, умуман солик тўламаган корхоналар ҳам мавжуд. Улар имтиёзга эга бўлган жами солик тўловчиларнинг 35 фоиз ёки 15 478 тани ташкил этади. Ўрганиш даврида бундай корхоналарнинг жами солик имтиёзлари миқдори 3 трилион сўмдан зиёдни ташкил этган[3].

Яна бир имтиёз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартағи «Тадбиркорлик субектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2844-сонли қарори билан берилди[5]. Ушбу қарорга асосан, 2021 йил 1 январга қадар мазкур қарорнинг 1-иловасида қайд этилган 18 та фаолият турлари (acosan маший хизматлар) билан шуғулланадиган янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оиласий тадбиркорлик субектлари ушбу қарорда кўзда тутилган қоидаларга биноан микрокредитларни расмийлаштиришда 6 ой муддатга қатъий белгиланган солик тўловидан озод этилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар бир неча фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин. Бунинг учун уларга бошқа бир ходимларни ишга жалб қилиш зарурати юзага келади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармонига асосан, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга[5], фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солик ставкасининг 30 фоизи миқдорида солик тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳукуқи берилди[4].

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган соликдан озод этилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда доимий равища солик ислоҳотлари амалга оширилиб келиб, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Юқорида биз тадбиркорларга яратилган имтиёзлар ҳақида қисқача ёндашиб ўтдик. Мамлакатла олиб борилаётган бундан ислоҳотлар келажакда мамлакатнинг тараққий этишида асос бўлиб хизмат қиласи.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 23 августдаги тадбиркорлар билан учрашувидаги нутки
2. [https://uz.aуз/uz/posts/tadbirkorlik-subektlariga-berilgan-imtiyozlar-2021-yilning-oxiriga-qadar-uzaytiriladi\\_244560](https://uz.aуз/uz/posts/tadbirkorlik-subektlariga-berilgan-imtiyozlar-2021-yilning-oxiriga-qadar-uzaytiriladi_244560)
3. <https://bugun.uz/2022/05/30/ozbekistonda-soliq-turlari-boyicha-imtiyozga-ega-top-10-korxonalar-royxati-ochiqlandi/>
4. <https://kun.uz/75702192>
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси



## МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШЧИ КУЧИ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ДАРАЖАСИ

Холмирзаева М.З.,  
талаба, ЎзМУ  
e-mail: makhliyokholmirzaeva@gmail.com

**Аннотация:** Ишчи кучи ресурсларининг мутаносиб бандлигини таъминлаш барқарор ўсиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозорида ишчи кучи ресурсларининг талаб ва таклиф даражаси бир қатор ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Ишчи кучи, меҳнат ресурслари, ишчи кучининг нафлилиги, ишчи кучининг фаол кисми, инсон салоҳиятли.

Меҳнат бозори таркибий тузилишининг асосий унсурларини ишчи кучига бўлган талаб, ишчи кучига бўлган таклиф, ишчи кучи қиймати ва баҳоси, ишчи кучиниёллашдаги рақобат ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай иқтисодий мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, меҳнат бозорида аҳоли бандлиги ўзига хос иқтисодий мутаносиблик бўлиб ҳисобланади. Меҳнат бозорида мутаносибликни таъминлаш, албатта, ишчи кучи талаби ва ишчи кучи таклифининг мувозанатлашуви билан изоҳланади.

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи оқимининг юқори даражада бўлиши мамлакатда вужудга келадиган қуидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ:

- Ахолининг табиий ўсиши (қуидаги жадвалда Республика худудлари бўйича асосий демографик кўрсаткич, туғилганлар сони келтирилган):
- Аввал ишламаган, иш қидирмаган иқтисодий нофаол аҳоли (ўкувчилар, талабалар, аёллар, кўп болали оналар)нинг иқтисодий фаол аҳоли қатламига айланиши;
- Кўшимча даромад истагида юқори даромадли иш ўринларига бўлган эҳтиёж натижасида меҳнатда банд кишиларнинг меҳнат бозорида пайдо бўлиши ва иш билан бандларнинг ўз иш ўринларининг йўқотиши натижасида ишсиз аҳоли қатламига қўшишлари;
- Меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ёшларнинг ишчи кучи сифатида меҳнат бозорида намоён бўлиши;
- Ишчи кучининг миграцион ҳаракати, иш ёки яшаш жойларининг ўзгариши ва бошқалар.

Меҳнат бозорида ишчи кучи талабининг юқори даражада бўлиши, давлатнинг амалга ошираётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлари натижаси ва самарасига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик соҳасида имтиёзларнинг яратилиши, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамлиги, уларни рағбатлантириш, шунингдек, яратилаётган иқтисодий неъматларнинг сифат ва миқдорини ошириш имкониятига эга бўлиш билан бир қаторда бўш иш ўринларининг яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврида меҳнат бозорида қатор муаммолар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Мана шундай муаммолардан бири ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш масаласи бўлиб ҳисобланади. Ахолини иш билан таъминлаш ва уни қайта шакллантириш иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш йўналишлари ҳам ўзгариб боради. Бу жараёнда ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда давлатнинг бошқаруви талаб этилади. Мана шундай ҳолатларда бўш турган ёки бўшатиб олинаётган ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаларидан имкон қадар самарали фойдаланиш зарурияти юзага келади. Аксинча бўлса, ихтисослиги бўйича иш билан таъминланмаган ишчи кучи иш излаб хорижга чиқиб, меҳнат мигрантларига айланиб қолиш эҳтимоли юқори.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек мамлакатда ишчи кучи талабининг ортишида мамлакатда қўллаб-қувватланадиётган, рағбатлантирилаётган тадбиркорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикамида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг гасосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатнинг ривожланишини,



истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар турлари билан тўлдиришни, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг кенг қатламини яратишни тақозо этади.

Буларни хисобга олиб, бугунги кунда Республикада куйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим:

- Аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, улардаги бокимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф қилиш, аҳолида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан фаол шуғулланиш истагини уйготиш;
- Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш;
- Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг сонини имкон қадар ошириш, ҳудудларда кичик корхоналар ташкил этиш йўли билан вақтинча ишсиз юрган кишиларни қўшимча иш жойлари билантаъминлаш;
- Минтақаларда бозор муносабатлари ва инфратузилманинг риволанишини жадаллаштириш, фаол иқтисодий рақобатни кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш.

**Фойдаланилганадабиётларрўйхати:**

1. Rahimova D., Abdurahmonov O. “O’zbekistonda mehnat bozori va ta’lim tizimining boshqarilishida o’zaro aloqadorlik”/ ta’lim menejmenti/-2010yil 6-son
2. Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда. Экономическая теория труда. Учебное пособие - М.: Инфра М. 2011. (серия “Высшее образование”)
3. Генкин Б.М. “Экономика и социология труда” Учебник для вузов” – М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 2010.
4. Экономика труда. Учебное пособие./Под общ. ред. К.Х.Абдурахмонова, Ю.Т.Одегова. – Т.: ТФ РЭУ, 2011.



**СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА  
АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ АХАМИЯТИ**

**Абдурахмонов С.Ф.**

Давлат солик қўмитаси

давлат солик бош инспектори

ТЕЛ:91-317-55-77

**Аннотация:** Мазкур мақолада Республика давлат солик хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали солиқка оид назорат йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айрим ҳуқуқий жиҳатлари баён этилган. Бундан ташкири, солик назоратларни келиб чиқиш сабаблари, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда АКТ орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хуносалар шакллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солик назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, автоматлаштириш, солик тўловчилар, давлат солик хизмати.

**Annotation:** The article discusses ways to prevent tax offenses by automating the activities of the state tax service. It also provides an overview of the literature related to this topic and some legal aspects. In addition, the factors that influence the occurrence of tax offenses and the possibility of prevention them with ICT are highlighted. As a result of the study, conclusions were formed and appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Keywords:** Tax offenses, information and communication technologies (ICT), databases, integration, automation, taxpayer, state tax service.

Мамлакатда солик юкини солик тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бозорда ҳалол рақобат мухитини шакллантиришда самарали солик маъмуриятчилигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Солик назоратининг самарадорлиги эса солик тўловчилар ва солик обьектларини тўлиқ қамраб олингандиги, солик мажбуриятлари ҳисобини тўғри ва аниқ юритилиши ҳамда солик назоратини муваффакиятли амалга оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кундан-кунга кенгайиб бораётган замонавий дунёда солик базасини тўлиқ қамраб олишни фақатгина ахборот-технологиялари ёрдамида, бизнес жараёнларни автоматлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин. Солиқка оид муносабатларни рақамлаштириш, идоралараро ўзаро электрон ахборот алмашишни кенгайтириш ва замонавий таҳлил механизмларини йўлга қўйилиши солик обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва соликка оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлайди.

**Таҳлил ва натижалар мухокамаси.**

Сўнгги 5 йилликда солик ҳисботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолати энг кўп қайд этилмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарлик тури 2016 йилда 34.6 минг маротаба, 2017 йилда 45.7 минг маротаба қайд этилиб, 2018 йилда кескин камайган ҳолда 14.8 минг маротаба қайд этилган. Бирорқ, 2019 йилда яна 3 баробарга ошиб, 48.8 минг маротаба содир этилган. 2020 йилда эса ушбу ҳуқуқбузарлик турини қайд этиш 2 баробарга қисқариб, 22.2 мингтани ташкил этган. Кейинги ўринда энг кўп қайд этилган ҳуқуқбузарлик тури бу тўлов интизомининг бузилишидир.

Ушбу ҳуқуқбузарлик тури 2016 йилда 18.4 минг маротаба, 2017 йилда 14.4 минг маротаба ва 2018 йилгача 10.3 минг маротаба кузатилган. 2019 йилда кескин ошиб, 34.3 мингтага етган ва 2020 йилда яна пасайиш кузатилиб, 13.6 минг маротаба қайд этилган.

Шунингдек, 2016-2020 йиллар давомида ўртacha йилига 12.1 мингта ҳолатда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш ҳолати кузатилган. Ушбу ҳолатлар бир томонидан солик қонунчилигига мувофиқ, солик тўловчига нисбатан маъмурӣ жавобгарликни келтириб чиқаради ва унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Иккинчи томонидан эса, солик тизими учун бюджет даромадларини шакллантириш жараёнига ва солик маъмуриятчилиги самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хусусан, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш, ҳисбот кўрсаткичларини ҳақиқатдан фарқ қилиш, даромадларни яшириш каби ҳуқуқбузарликлар нафақат солик тизими балки бутун иқтисодиёт учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши турган гап. Яъни, бозордаги соғлом рақобат мухитига путур етади, макроиктисодий индикаторлар нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади. Аксарият ривожланган давлатларда,



хусусан Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорликни ташкил этиш жараёни электрон кўринишида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

**Қабул қилинган маълумотлар** менюсида ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларнинг номлари жойлашган.

Масалан: Туман (шаҳар) ҳокимлари бўйича **якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестри** танланганда қўйидаги кўринишдаги ойна ҳосил бўлади.

### Таклифлар.

Юқоридаги таҳлиллар ва изланишлардан келиб чиқиб, қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш тартибини бузиш билан боғлиқ хуқуқбузарликни олдини олиш ва камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашибни йўлга қўйиш. Яъни, солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашибни йўлга қўйиш лозим (амалда Банк сирига амал қылган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўклиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширган солиқ тўловчиларни айланмага таалтуқли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод этиш.

2. Солиқ ҳисоботини топшириш жараёнига ҳисобот бўйича ҳисобланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисобрақамидан ундириш бўйича оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиласидиган бўлса, унинг ҳисоб рақамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисобот топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни, солиқ органи ва ресурс солиғи обьектлари ҳисобини юритувчита什килотларжумладан, Кадастрагентлиги, Сувсозкорхонаси кабиташкилотлардан солиқ тўловчиларнинг обьектлари ва уларнинг микдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисботи билан интеграция қилиш.

### Адабиётлар:

1. Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) “Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them”. Pages 454-458.

2. OECD (2020), “Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration”. Pages 10-24.

3. Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.

4. Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6098-сон



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИ  
ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абидов Дилшод Марифович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-мөлия академияси магистранти

**АННОТАЦИЯ** Ушбу диссертация мамлакатимизда давлат харидларининг бугунги кундаги ҳолати ва уни амалга ошириш ҳамда ушбу тизимдаги тадбиркорлик субъектларининг иштироки бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда давлат харидларини амалга оширишнинг назарий ва хуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ҳамда давлат харидлари тизимига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш тизимини ривожлантиришга оид илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, бюджет буюртмачилар, корпоратив буюртмачилар, тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, битимлар, электрон савдолар, тендер, танлов, товарлар, ишлар, хизматлар.

**ANNOTATION** This dissertation describes the current state of public procurement in the country and the results of research on its implementation and the participation of business entities in this system. The dissertation also provides scientific conclusions and practical recommendations on the theoretical and legal basis of public procurement, the practice of their organization, the analysis of economic indicators of the country and the development of a system of attracting businesses to public procurement.

**Keywords:** public procurement, budget customers, corporate customs, business entities, agreements, e-trades, tenders, tenders, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, competitions.

## КИРИШ

Давлат харидлари географик жойлашуви, ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг катта қисмидир. Мамлакатимизда ўртacha давлат харидлари ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этади ва бу харид бозорларида хусусий секторлар учун жуда катта бизнес имкониятлар яратади.

Давлат харидларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, бозорнинг тузилиши ва фаолиятига шунчаки сотиб олинган товар ва хизматлар микдоридан ташқари кенгрок таъсир қиласи. Масалан, сотиб олиш сиёсати орқали давлат сектори фирмаларнинг рақобатлашишини рағбатлантиришга таъсир кўрсатади. Қисқа муддатли истиқболда давлат харидлари потенциал етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга таъсир қилиши мумкин; Узоқ муддатли истиқболда давлат харидлари инвестициялар, инновациялар ва бозорнинг рақобатбардошлигига таъсир қилиши мумкин.

## Асосий қисим

Мамлакатимизда давлат харидлари тизимида иштирок этётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида ҳамда уларнинг тизимдаги фаолиятига тўсиқ бўлувчи сабаблар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмаслиги асосий муаммо ҳисобланади.

Шунингдек давлат харидлари тизими етарли даражада жозибадор эмаслиги давлат харидлари соҳасида бугунги кундаги мавжуд муаммолар саналади.

Юқоридагиларни инобатга олиб тадқиқотни олиб боришда қуйидаги саволларга жавоблар изланиши режалаштирилди:

- Мамлакатимизда бугунги кундаги давлат харидлари тизимидағи ва тадбиркорлик фаолиятидаги хуқуқий асослар қандай?
- Давлат харидларини амалга оширишдаги мамлакатимиздаги амалий ҳолат қандай?
- Давлат харидларини ривожлантиришда бюджет харажатларининг ўрни қандай?
- Мамлакатимиз ўз харидлари орқали тадбиркорларни ривожлантиришга қаратилган эътибори қандай?
- Давлат харидлари соҳасининг давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга таъсири қандай?



Кичик бизнес ва хусусий тадбирлик субъектларининг давлат харидлари тизимидағи иштироки қандай?

2020 - йилда ЯИМ ўсиши 2019- йилдаги 5,8 % ва 2018- йилдаги 5,4 % га нисбатан 1,6 % гача секинлашди. Шу билан бир вактда, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019- йилдаги 118,6 % ва 2018- йилдаги 127,5 % га нисбатан 2020- йилда 111,9 % гача секинлашиш кузатилди.

2018 йилда ушбу тармоқлар 2017 йилга нисбатан 35 фоиз ўсиш кузатилган бўлиб, ЯИМ нинг 89 фоизини ташкил қилган. Кейинги икки йилда эса ушбу кўрсаткич ҳар йилда бир бирликка ўсиб мос равишда 91, 92 фоизларни ташкил қилган. Яъни 2020 йилда тармоқлар соҳасининг кузатилаётган давирга нисбатан ЯИМдаги улушни энг юқори(92%) улушни эгаллаган бўлсада, 2019 йилга нисбатан 15 фоиз ўсиш билан ушбу кузатилайтган давр оралиғидаги энг паст кўрсатки қайд этган.

Миқдор жиҳатдан бу соҳа мазкур йилларда мос равишда 20 трлн.сўм атрофида ўсгани кузатилади. Яъни ЯИМ таркибидаги улушкини қисқараётгани бошқа соҳаларнинг ривожланиши ҳисобигадир. Масалан саноат соҳасидаги ўсишни мазкур кузатилаётган йиллар мобайнидаги ЯИМ таркибидаги улушкининг ортиб боришида кўришимиз мумкин.

### **ХУЛОСАЛАР**

Сўнгги йилларда давлатимизда рақобатни кучайтириш, коррупсияни камайтириш ва бюджет маблағларини тежаш мақсадида давлат харидлари тўғрисидаги қоидаларни модернизация қилмоқдалар. Ҳукуматимиз адолатли ва соғлом рақобат тадбиркорларнинг, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг давлат харидларида иштирок этиши билан боғлиқ жиҳатларга эътиборни кучайтиридилар.

Аммо кичик ва ўрта бизнес субъектлари, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инновация ва рақобатни рағбатлантириш учун катта салоҳиятига эга бўлишига қарамай, давлат харидларида уларнинг иқтисодий жиҳати билан боғлиқ ўрни ҳали ҳам жуда кам улушда қолмоқда. Масалан, Кичик бизнес соҳаси вакиллари иштирок эта оладиган электрон савдолар жами давлат харидлари қийматининг 6-9 фоизини ташкил қилиб келаётгани, бу уларнинг давлатмиз ЯИМ даги 52 фоиз улушкидан анча камдир. Бюджет мисолида оладиган бўлсак жами бюджет харажатларининг 30-34 фоизи давлат харидларига орқали амалга оширилмоқда. Бироқ кичик ва ўрта корхоналар ушбу харажатлардан муносиб улушкини ололмаяпти.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Арықбаев Р.К., Газгиреев Э.Д., Набиев Р.А. (2008) Государственный заказ как инструмент регулирования предпринимательской деятельности//Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – Москва,. - №2.
2. Атамуродов Т.Т. (2019) “Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этишдаги муаммолар ва унга таъсир эувчи омиллар”. Молия ва банк иши электрон илмий журнал.
3. Ботоева Г.И. (2009) Государственный заказ: состояние и проблемы развития//Известия Иркутской государственной экономической академии.№5.
4. Бурхонов У., Атамуродов Т. (2012) Давлат хариди. –Т.: “Fan va texnologiya”. 2012.- 152 б.



**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНАДИГАН МАҲАЛЛИЙ  
СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ  
БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Атажонов Илҳом Абдумуталович**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

Тел: 998 91 498 15 15

**Собиров Азизбек Авазбекович**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

Тел: 998 94 439 17 77

**Аннотация:** Мақолада жисмоний шахслар томонидан тўланадиган маҳаллий солиқларнинг ундиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Солик, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, солик тўловчилар, солик солиш обьекти, солик базаси, солик ставкаси, солик даври.

**Abstract:** The article contains scientific proposals and practical recommendations for the collection of local taxes paid by individuals and their elimination.

**Key words and phrases:** Tax, property tax from individuals, land tax from individuals, taxpayers, object of taxation, tax base, tax rate, tax period.

### **Кириш**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хукуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағри-кенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, ҳалқимизнинг мунособи ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини роёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Глобаллашув шароитида давлат молиясини бошқариш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда бюджет тизими бюджетлари даромад манбаларини илмий асосланган ҳолда белгилаш, солиқлар воситасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш, турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш, бюджет трансферларини ажратишида ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Солиқлар тизимини такомиллаштириш орқали бюджетлараро мутаносибликка эришиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил бюджет-солик сиёсатини юритишини ташкил этиш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги даражасини ошириш, давлат бюджети даромадлари ва қўшимча манбаларини шакллантиришга оид самарали фискал сиёсат юритиш, бюджетлараро муносабатларда солиқларни улушли тартибда тақсимлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

«Давлат бюджети барча даражада мутаносиб бўлишини таъминлаш - энг муҳим устувор вазифамиздир»<sup>1</sup>. Мазкур вазифани амалга оширишда, барча даражадаги бюджет бўғинлари барқарор даромад базасини таъминлаш мақсадида, солиқлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни асослаш, солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида улушли тартибда тақсимлаш орқали бюджетлараро мутаносибликка эришиш масалалари ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Халқаро иқтисодчи олимлар Махаллий бюджет даромадларининг таркиби ва уни ташкил этувчи солиқларнинг моҳияти, уларнинг вазифалари, хусусиятлари ва ундаги муаммолар бўйича назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимларининг илмий

1 Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - Б.8.



изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, Я.Андреев, О.Бежаев, Л.Дробозина, С.Лушин, Г.Поляк, В.Родионова, М.Романовский, В.Слепов каби МДХ иқтисодчи олимларининг илмий асарларида ўрганиб чиқилган ва таҳлил этилган.

Ўзбекистонлик олимлардан Ё.Абдулаев, М.Алимардонов, Н.Ашуррова, А.Вахобов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Х.Жамолов, А.Жўраев, Т.Маликов, А.Маманазаров, О.Олимжонов, Д.Пулатов, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, Ж.Қўчкоров, Х.Қобулов, Х.Курбоновларнинг илмий ишларида маҳаллий бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг аҳамияти ва вазифалари юзасидан илмий фикр -мулоҳазалари акс эттирилган.

### Таҳлил ва натижалар

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 18 моддасига асосан амалга оширилади. Шунга мувофиқ маҳаллий бюджетлар даромадлари ўз даромадлари (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ва юқори бюджетдан ажратиладиган ажратмалар (умумдавлат солиқларидан ажратмалар, дотациялар ва субвенциялар) хисобидан шаклланади.

Республикамизда бугунги кунда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибида бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғи, жисмоний шахсларнинг ер солиғига солинадиган солиқнинг хуқуқий негизлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси бундан ташқари, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг маҳаллий солиқлар ва йиғимларга оид фармон ва Қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят ҳокимларни маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш билан боғлиқ Қарорлари хизмат қилмоқда.


Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 60-боби 418-423-моддаларига биноан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва 62- боби 433-440- моддаларига биноан жисмоний шахсларнинг ер солиғини хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибга солинади.

Амалдаги солиқ кодексига асосан эгалигида ер ва мол-мулки бор жисмоний шахслар жорий йил учун ҳисобланган солиқларнинг teng улушларда 15 апрел ва 15 октябрга қадар тўлашшлиги белгилаб ўтилган.

Лекин ҳозирги кунда ууш жиҳатидан оладиган бўлсак энг кам улушга эга ушбу солиқ турларини ундиришда бир қанча муаммолар мавжуд. Шунинг учун ушбу солиқ турларидан боқиманда қарздорлик ошиб бораётганлигини кўриш мумкин.

### 1-диаграмма

#### Республика бўйича жами тушумда солиқ турларининг улуси



1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики мол-мулк ва ер солиғи улуси Республика бюджетидаги жами тумумнинг атига 5 фоизини ташкил қилмоқда.



Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш борасида амалга ошираётган тадбирлар хусусан жисмоний шахсларнинг мол-мулклари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни тартибга солишни рафбатлантириш мақсадида, ушбу солиқлар ставкалари индексация қилиб борилаётган бўлсада, тахлил маълумотларига кўра умумий тушум хажмида бу солиқларнинг салмоғи ҳали юқори эмас.

Сабаби, бугунги кунда маҳаллий солиқларни ҳисоблаш, уларни ундириш ва бюджетга тўлаш ҳамда уларнинг бюджетдаги аҳамиятини ошириш бўйича бир қанча муаммоли вазиятларга дуч келинмоқда.

Кўпроқ маҳаллий солиқ тўловчи жисмоний шахслар билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳамда солиқ обьектларини ҳисобга олишда, ҳисобини юритишда, тегишли тартибда солиқларни ҳисоблаш ва имтиёзларни қўллаш жараёнлари ҳамда ҳисобланган солиқларни ундириш жараёнларида кўплаб учрайди.

Жумладан:

Республикамизда бино ва иншоотларнинг бозор баҳосида баҳолаш бўйича ялпи баҳолаш методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида, ерлар асосан давлат мулкида бўлгандишини сабабли, иморат ва иншоотларнинг кадастр идоралари томонидан баҳолангандан кўчмас мулк кийматида ҳисоблаб чиқилган киймати ер ва мулкларни солиққа тортишда солиққа тортиш обьекти бўлиб, жисмоний шахсларнинг ерлари, бино ва иншоотларнинг ҳар бир кўчмас мулкнинг индивидуал баҳоси эмас, балки ҳисобланган мулкларнинг стандарт баҳолаш тизими бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий баҳоси қабул қилинганлиги.

### Хулоса ва таклифлар

1. Жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи ундируванини босқичма босқич маҳаллий давлат органига (маҳаллага) ўтказиш керак, маҳаллий давлат органи томонидан йигилган маҳаллий солиқларни 10-15 фоизини ўша маҳаллани энг энг зарурый харжатларини қоплашга йўналтириш лозим (ичимлик сув, йўл ва бошқалар). Бундан ташкари маҳаллий давлат органи томонидан бюджетта аниқланган қўшимча манбадан, яъни ижара янги рўйхтандан ўтказилган ЯТТ ва бошқлар ҳисобидан 10 фоиз уларнинг моддий техник базасини янгилаш инфраструктурани ривожлантиришга йўналтириш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 51-моддасига асосан Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурилиги келтириб ўтилган.

Юқоридагига асосан худудлардаги эгалигида ер ва мол-мулки мавжуд жисмоний шахсларни 3 та тоифга бўлиб чиқиши лозим.

- Якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ)
- Бюджет ташкилотлари ҳамда корхона ва ташкилотла ишловчи жисмоний шахслар
- Иш билан банд бўлмаган жисмоний шахслар

Ўзбекистон Республикаси конституциясида Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурилиги келтирганлиги хада Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларни барқарорлигини таъминлаш мақсадида юқорида келтириб ўтилган 1-2 тоифдаги жисмоний шахслар билан ҳар йили йилни бошида келишув ишлаб чиқиш ва ушбу келишувга асосан (*йил давомида пеня ҳисобланмаслик шарти билан*) улар учун 1 йиллик ҳисобланган ер ва мол-мулк солиқларнини ҳар ойда тенг улушларда уларнинг банк ҳисобваракалари ёки пластик карталари орқали ундириш тизимини ишлаб чиқиши лозим.

3. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур давлатлар маҳаллий бюджет даромадларида маҳаллий солиқларнинг улуши кўчмас мулк солиқларининг ҳисобидан юқори. Яъни бу мамлакатларда мол-мулк ва ер солиқлари ўрнига кўчмас мулк солиғи жорий этигандан бўлиб солиқ тўловчи эагилигидаги ер майдонларининг ва мол-мулкнинг киймати кўчмас мулк солиғининг солиққа тортиш обьектини ташкил этиди.

Шу сабабдан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ўстириш, солиқ маъмурчилиги харажатларини камайтириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқни ундирувчилар учун кулагайликлар яратиш ҳамда жисмоний шахслар мол-мулклари ва эагилигидаги ер майдонларига солиқ солишни соддалашибтириш мақсадида мол-мулк ва ер солиқларини унификациялаш ва ҳар иккала солиқ ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш;

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мельник Д. Налоговый менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Парламентга йўллаган мурожаатномаси.
3. А.Жўраев А.Аманов X.Зарипов “Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик. Тошкент 2021йил.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҚАРЗ СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аҳмадалиев Исломбек Йўлдошали ўғли

Ўзбекистон республикаси  
банк-молия академияси магистранти

**Аннотация:** Мазкур диссертацияда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ҳолати, уни шаклантириш сиёсати ва ушбу сиёсатни такомиллаштириш йўллари юзасидан олиб борилган тадқиқот бўйича натижалар ёритилган. Шу билан бирга ушбу диссертацияда давлат қарзининг назарий ва ҳуқуқий асослари, уларни жалб этиш амалиёти, статистик маълумотлар таҳлили ҳамда давлат ташқи қарзи сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий, амалий хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** давлат қарзи, ялпи ички маҳсулот, давлат бюджети, бюджет даромади, бюджет харажати, бюджет тақчиллиги, ташқи қарз, ички қарз, давлат кафолати, кафолат жамғармаси, халқаро молия институтлари, халқаро облигациялар.

**Abstract:** In this dissertation, the results of the research on the state of Uzbekistan's foreign debt, the policy of its formation and ways to improve this policy are highlighted. At the same time, in this dissertation, the theoretical and legal foundations of the state debt, the practice of attracting them, the analysis of statistical data and the improvement of the state external debt policy are given scientific, practical conclusions and suggestions.

**Key words:** state debt, gross domestic product, state budget, budget revenue, budget expenditure, budget deficit, foreign debt, domestic debt, state guarantee, guarantee fund, international financial institutions, international bonds.

### КИРИШ

Мамлакатимизда давлат қарзининг муҳимлиги даражасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сўнгги икки йилдаги Олий мажлисга мурожаатномасида бу мавзуга алоҳида эътибор келтирилаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарурлиги фонида 2020 йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиланганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилиши белгилаб берилган эди.

Шу билан бирга, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ ҳусусий капитал жалб этилиши масалан, кейинги йилда давлат-ҳусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланишини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг юқоридаги фикрлари ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги ВМҚ-506 “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш алоҳида бўлим сифатида киритилган.

Унда қарз барқарорлигининг ишончли баҳоланишини таъминлаш ҳамда ўрта муддатда самарали қарз сиёсатини олиб бориш мақсадида давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, стратегияда давлат қарзи билан боғлиқ таваккалчиликлар ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ва бошқариш тизимини яхшилаш учун қўйидаги биринчи навбатдаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилиши келтирилган:

давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш;

давлат қарзи барқарорлигини таҳлил қилиш тизимини амалиётга жорий этиш ва янада такомиллаштириш;

давлат қарзи тўғрисидаги маълумотлар сифатини ошириш.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки Ўзбекистоннинг



ташқи қарз сиёсати ва уни такомиллаштириш хозирда мамлакат олдида турган энг долзарб йўналишдир.

Давлат қарзи бўйича назарий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки у асосан давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бўлиб, бюджет тақчиллиги юзага келган вақтда жуда долзарб масалага айланади.

Шунинг учун ҳам таҳлилимизни айнан Ўзбекистоннинг давлат бюджети ижросини таҳлилидан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистоннинг давлат бюджети ижроси таҳлили (*трлн.сўмда*)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)</b>	<b>242,5</b>	<b>302,5</b>	<b>406,6</b>	<b>510,1</b>	<b>580,2</b>
Бюджет даромади	41,0	49,7	79,1	112,2	132,9
Бюджет харажати	40,9	49,3	79,7	118,0	143,9
Бюджет даромадининг ЯИМга нисбатан улуши (%)	16,9	16,4	19,5	22,0	22,9
Бюджет харажатининг ЯИМга нисбатан улуши (%)	16,9	16,3	19,6	23,1	24,8
<i>Фарқи (+ профицит; -тақчиллик)</i>	0,1	0,4	-0,6	-5,8	-11,0
Фарқларнинг ЯИМга нисбатан улуши (%)	0,05	0,1	-0,2	-1,1	-1,9
Фарқларнинг бюджет харажатларга нисбатан улуши (%)	0,3	0,7	-0,8	-5,0	-7,6

1-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимиз давлат бюджети ижроси 2016-2020 йилларда кескин ўзгаришларга юз тутган.

Жумладан, 2016 йилда давлат бюджети даромадлари 41,0 трлн.сўмни бюджет харажатлари эса 40,9 трлн.сўмни ташкил этгани ҳолда 0,1 трлн.сўм профицит билан якунланган. Бюджет даромади ва харажати миқдоридаги фарқ катта эмаслиги боис уларнинг ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)га нисбатан улуши бир хил яъни 16,9 фоизни ташкил этган. Бюджет профицитининг ЯИМга нисбатан улуши 0,05 фоизни, бюджет харажатларига нисбатан улуши эса 0,3 фоизни ташкил этмоқда.

Бундай холатни 2017 йилда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан 2017 йилда давлат бюджети даромадлари 49,7 трлн.сўмни бюджет харажатлари эса 49,3 трлн.сўмни ташкил этгани ҳолда 0,4 трлн.сўм профицит билан якунланган. Бюджет даромадининг ЯИМга нисбатан улуши 16,4 фоизни, бюджет харажатининг ЯИМдаги улуши эса 16,3 фоизни ташкил этган. Бюджет профицитининг ЯИМга нисбатан улуши 0,1 фоизгача етган бўлса, бюджет харажатларига нисбатан улуши эса 0,8 фоизни ташкил этган.

#### ХУЛОСАЛАР

- Давлат ташқи қарзи таркибида давлат қарздорлиги ўсиб бормоқда;
- Давлат ташқи қарзининг манбалари ва валюта таркиби диверсификация қилиб борилмоқда;
- Ташқи қарз 2020 йилга қадар “олтин қоида”га асосан инфратузилма обьектларига ёки иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган бўлса, 2020 йилда юз берган пандемия сабабли бюджетни кўллаб қувватлашга ҳам йўналтирилган;

1 Жадв ал Молия вазирлиги ва Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тўдирилган



4. Ўзбекистон халқаро молия институтларидан ташки қарзининг фаол жалб қилмоқда. Шу билан бирга халқаро молия бозорларида ҳам эмиссияларни йўлга қўйилди. Хусусан 2020 йилда биринчи марта суверен халқаро облигациялар миллӣ валютамиз - ўзбек сўмида 2 трлн. сўм миқдорида Лондон кимматли қоғозлари бозорида (London Stock Exchange) муваффақиятли жойлаштирилди;

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абулқосимов Х.Р. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Академия 2007 йил.
2. Алимов И.И. Молия ўқув қўлланма Т: ТДИУ 2007 йил.
3. Вахобов А.В., Маликов Т.С. (2011) Молия дарслик Т: “Ношир” 712 бет.
4. ВМҚ-506 (2020) “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 август.
5. Дробозина Л.А., Окунева Л.П., Андросова Л.Д. (2000) Финансы. Денежное обращение. Кредит. -М.:ЮНИТИ, -С. 479.
6. Крохина Ю.А. Финансовое право России. Учебник. Издательство НОРМ А Москва , 2008г 719 стр.



## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА ХУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ботров Жамшид Тўйчибоевич

Ўзбекистон Республикаси

банк-мөлия академияси магистранти

**АННОТАЦИЯ** Ушбу диссертация мамлакатимизда давлат харидларининг бугунги кундаги ҳолати ва уни амалга ошириш ҳамда ушбу тизимдаги тадбиркорлик субъектларининг иштироки бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда давлат харидларини амалга оширишнинг назарий ва хуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ҳамда давлат харидлари тизимида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш тизимини ривожлантиришга оид илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, бюджет буюртмачилар, корпоратив буюртмачилар, тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, битимлар, электрон савдолар, тендер, танлов, товарлар, ишлар, хизматлар.

**ANNOTATION** This dissertation describes the current state of public procurement in the country and the results of research on its implementation and the participation of business entities in this system. The dissertation also provides scientific conclusions and practical recommendations on the theoretical and legal basis of public procurement, the practice of their organization, the analysis of economic indicators of the country and the development of a system of attracting businesses to public procurement.

**Keywords:** public procurement, budget customers, corporate customs, business entities, agreements, e-trades, tenders, tenders, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, competitions.

### КИРИШ

Давлат харидлари географик жойлашуви, ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг катта қисмидир. Мамлакатимизда ўртacha давлат харидлари ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этади ва бу харид бозорларида хусусий секторлар учун жуда катта бизнес имкониятлар яратади.

Давлат харидларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, бозорнинг тузилиши ва фаолиятига шунчаки сотиб олинган товар ва хизматлар микдоридан ташқари кенгрок таъсир қиласи. Масалан, сотиб олиш сиёсати орқали давлат сектори фирмаларнинг рақобатлашишини рағбатлантиришга таъсир кўрсатади. Қисқа муддатли истиқболда давлат харидлари потенциал етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга таъсир қилиши мумкин; Узоқ муддатли истиқболда давлат харидлари инвестициялар, инновациялар ва бозорнинг рақобатбардошлигига таъсир қилиши мумкин.

### Асосий қисим

Мамлакатимизда давлат харидлари тизимида иштирок этётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида ҳамда уларнинг тизимдаги фаолиятига тўсиқ бўлувчи сабаблар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмаслиги асосий муаммо ҳисобланади.

Шунингдек давлат харидлари тизими етарли даражада жозибадор эмаслиги давлат харидлари соҳасида бугунги кундаги мавжуд муаммолар саналади.

Юқоридагиларни инобатга олиб тадқиқотни олиб боришда қуидаги саволларга жавоблар изланиши режалаштирилди:

- Мамлакатимизда бугунги кундаги давлат харидлари тизимидағи ва тадбиркорлик фаолиятидаги хуқуқий асослар қандай?
- Давлат харидларини амалга оширишдаги мамлакатимиздаги амалий ҳолат қандай?
- Давлат харидларини ривожлантиришда бюджет харажатларининг ўрни қандай?
- Мамлакатимиз ўз харидлари орқали тадбиркорларни ривожлантиришга қаратилган эътибори қандай?
- Давлат харидлари соҳасининг давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга таъсири қандай?



Кичик бизнес ва хусусий тадбирлик субъектларининг давлат харидлари тизимидағи иштироқи қандай?

2020 - йилда ЯИМ ўсиши 2019- йилдаги 5,8 % ва 2018- йилдаги 5,4 % га нисбатан 1,6 % гача секинлашди. Шу билан бир вактда, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019- йилдаги 118,6 % ва 2018- йилдаги 127,5 % га нисбатан 2020- йилда 111,9 % гача секинлашиш кузатилди.

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган киймат (ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ нинг асосини ташкил қилиб, кузатилаётган барча йилларда сезиларли ўсишни кўришингиз мумкин. 2016 йилда ЯҚҚ ЯИМ нинг 91 фоизини ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилда 88 фоизга тенг бўлиб кузатилаётган йиллардаги энг қуий чеагарни ташикил қилган. Шундай бўлсада ушбу йилда ЯҚҚ олдинги 2016-йилга нисбатан 21 фоизга ўсган.

2018 йилда ушбу тармоқлар 2017 йилга нисбатан 35 фоиз ўсиш кузатилган бўлиб, ЯИМ нинг 89 фоизини ташкил қилган. Кейинги икки йилда эса ушбу кўрсаткич ҳар йилда бир бирликка ўсиб мос равишда 91, 92 фоизларни ташкил қилган. Яъни 2020 йилда тармоқлар соҳасининг кузатилаётган давирга нисбатан ЯИМдаги улуши энг юқори(92%) улушни эгаллаган бўлсада, 2019 йилга нисбатан 15 фоиз ўсиш билан ушбу кузатилайтган давр оралиғидаги энг паст кўрсатки қайд этган.

### ХУЛОСАЛАР

Сўнгти йилларда давлатимизда рақобатни кучайтириш, коррупсияни камайтириш ва бюджет маблағларини тежаш мақсадида давлат харидлари тўғрисидаги қоидаларни модернизация қилмоқдалар. Ҳукуматимиз адолатли ва соғлом рақобат тадбиркорларнинг, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг давлат харидларида иштирок этиши билан боғлиқ жиҳатларга эътиборни кучайтиридилар.

Аммо кичик ва ўрта бизнес субъектлари, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инновация ва рақобатни рағбатлантириш учун катта салоҳиятига эга бўлишига қарамай, давлат харидларида уларнинг иқтисодий жиҳати билан боғлиқ ўрни ҳали ҳам жуда кам улушда қолмоқда. Масалан, Кичик бизнес соҳаси вакиллари иштирок эта оладиган электрон савдолар жами давлат харидлари қийматининг 6-9 фоизини ташкил қилиб келаётгани, бу уларнинг давлатмиз ЯИМ даги 52 фоиз улущидан анча камдир. Бюджет мисолида оладиган бўлсак жами бюджет харажатларининг 30-34 фоизи давлат харидларига орқали амалга оширилмоқда. Бироқ кичик ва ўрта корхоналар ушбу харажатлардан муносиб улушкини ололмаяпти.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Арықбаев Р.К., Газгиреев Э.Д., Набиев Р.А. (2008) Государственный заказ как инструмент регулирования предпринимательской деятельности//Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – Москва,. - №2.
2. Атамуродов Т.Т. (2019) “Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этишдаги муаммолар ва унга таъсир эувчи омиллар”. Молия ва банк иши электрон илмий журнал.
3. Ботоева Г.И. (2009) Государственный заказ: состояние и проблемы развития//Известия Иркутской государственной экономической академии.№5.
4. Бурхонов У., Атамуродов Т. (2012) Давлат хариди. –Т.: “Fan va texnologiya”. 2012.- 152 б.



## БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Кувондиқов Акбарали Қурбонмуратович

Ўз.Р. БМА Магистранти

Тел: 99891-981-18-18

**Аннотация:** Мазкур диссертацияда мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини бугунги ҳолати, уни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг тизимининг назарий ва ҳукукий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, давлат бюджети харажатлар қисмининг таҳлили ҳамда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** бюджет харажатлари, аутсорсинг, бюджет ташкилоти, иқтисодий самарадорлик, аутсорсер, буюртмачи, ҳусусий сектор, овқатланиш тизими, давлат бюджети, кичик бизнес, бандлик, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, овқатлантириш.

**Annotation:** In this dissertation, the current state of the operation of outsourcing in the implementation of budget expenditures in our country is highlighted the results of research in the areas of budget expenditures. The theoretical and legal basis of the outsourcing system in this dissertation, the practice of their organization, and the analysis of the state budget and budget expenditures provide practical proposals and practical proposals on the development of outsourcing services.

**Keywords:** budget expenditures, outsourcing, economic efficiency, economic efficiency, carser, customer, maintaining system, state budget, employment, employment, services, agriculture, feeding.

### КИРИШ

2020 йилнинг 7 декабряда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4913-сон “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга ҳусусий секторни жалб этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан «Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳасини амалга оширилиши белгиланди. Лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилиши белгилаб берилган:

давлат функцияларини аутсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуслар орқали босқичма-босқич ҳусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш;

тегишли худудларда давлат функциялари ўтказилаётган соҳаларда етарли микдорда ҳусусий сектор субъектлари ташкил этилгунига қадар мазкур функцияларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши;

ҳусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, ҳусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятининг ишга туширилиши;

вазирлик ва идоралар кесимида ҳусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизmlарини йўлга қўйишга қаратилган давлат функцияларининг ягона реестри шакллантирилиши.

Президентимизнинг юқоридаги қарорлари ҳамда юқоридагиларни инобатга олиб айтишимиз мумкинки бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш хозирда мамлакат олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

### Асосий қисим:

Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомда мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар қаторида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни аутсорсинг корхоналари жалб қилинмаган ҳолларда бевосита мактабгача таълим муассасалари томонидан ташкил этиш белгиланган. Шунга асосан Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган ва бугунги кунда амалиётга тадбиқ этилган.



Ушбу низомда қўйидагилар баён этилган:

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари;

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар;

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш;

Аутсорсернинг хукуқ ва мажбуриятлари;

Аутсорсер фаолиятини ташкил этиш;

Буюртмачининг хукуқ ва мажбуриятлари.

Низомга кўра муассасада аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

тарбияланувчиларни тўлақонли соғлом овқатлантириш, соғлигини мустаҳкамлаш ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни таъминлаш;

сифатли таомлар тайёрлаш орқали тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш;

таомларни истеъмол қилиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ соғлом овқатлантириш;

муассасалар раҳбарларини таълимга оид бўлмаган вазифалардан озод қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тарбияланувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини кафолатлаш;

тарбияланувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

тарбияланувчилар ўртасида тўғри овқатланиш кўнималарини шакллантириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда, ташишда санитария нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Аутсорсинг тизими у айниқса овқатлантириш бўйича амалга оширилаётган бўлса аниқ белгиланган талаблар асосида ташкил этилиши лозим. Шунинг учун ҳам низомда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар келтирилган бўлиб улар қўйидагилардан иборат:

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида амалга оширилади;

Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида аутсорсер томонидан тузилган, ҳудудий давлат санитария-эпидемиология маркази ва мактабгача таълим бўлимини хабардор қилган ҳолда бир ойлик таомномалар асосида ташкил қилинади;

## ХУЛОСАЛАР

1. Бюджет ташкилоти аутсорсинг хизматлари истеъмолчисига айланиб ўзининг асосий фаолиятига эътибор қаратиш имкониятини оширади. Чунки аутсорсинг хизматлари бюджет ташкилотининг асосий бўлмаган фаолиятига тадбиқ этилади. Шу билан бирга аутсорсинг хизматларига мурожаат қилиш орқали бюджет ташкилоти маблағларни иқтисод қиласи чунки ишнинг бир қисмини аутсорсингга ўтказиш шу ишларни қилиш учун ходимларни сақлашдан арzonроқ бўлади;

2. Бюджет ташкилотларида аутсорсинг хизматидан фойдаланиш бўйича мамлакатимизда илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмаган;

3. Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолияти Соғлиқни сақлаш соҳасидан ташқари бошқа вазирлик ва идораларда асосан овқатлантиришни ташкил этиш йўналишида йўлга қўйилган;

4. Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизматидан фаолиятини баҳолаш механизmlари яратилмаган.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ВМҚ-506 (2020) “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 август.
2. ВМҚ-52 (2019) “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2019 йил 21 январ.
3. ВМҚ-323 (2019) “Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2019 йил 17 апрел.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИ

Омонов Темурмалик Зафаржон ўғли  
Ўз.Р. Банк-молия академияси магистранти

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг ажralmas таркибий қисмларидан бири бўлган давлат харидлари тизимида эътибор бериш, уни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш ва зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимdir. Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари тизимини ривожлантириш ҳамда тартибга солишининг зарурати, унинг ҳуқукий асослари, шунингдек давлат харидлари соҳасига оид ҳалқаро тажриба ўрганилиб, мамлакатимизда бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** давлат хариди, давлат буюртмачилари, электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер.

**Abstract:** It is important to pay attention to the public procurement system, which is an integral part of the economy, conduct research to improve it and take the necessary measures. In this research paper was examined the need to develop and regulate the public procurement system of the Republic of Uzbekistan, its regulatory framework, as well as international experience in the field of public procurement, and developed scientific and practical proposals to address existing problems and shortcomings in this sphere.

**Key words:** public procurement, public customers, electron shop, auction, competition, tender.

### КИРИШ

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажralmas таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан ҳисобланади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат харидлари мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Давлат харидларининг амалга оширилиши иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш даражаси юксалишига, товар (иш, хизмат)лар сифати ошишига, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги рақобатни ривожланишига олиб келади. Кўпчилик мамлакатларда бўлгани каби республикамизда ҳам давлат харидларини амалга оширишнинг мукаммал тизимини яратиш, унинг ҳуқукий асосини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, аниқ белгилаб берилган тартиб-қоидалар, мезонлар ҳамда тамойиллар асосида харидлар тизими фаолиятини ташкил этиш асосий мақсадлардан бири саналади. Бу ўз навбатида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишига, давлат харидлари механизмининг такомиллашувига олиб келади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, давлат харидига оид назарий қарашларда “давлат буюртмаси” “давлат хариди”га яқин тушунча сифатида қаралиб, улар бирга аралаш ҳолда талқин этилишини кўриш мумкин.

Бу борада Набиев ва Ариқбаев (2008) изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар “давлат буюртмаси” тушунчасидан давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда пайдо бўладиган эҳтиёжларни, “давлат хариди”дан эса давлатнинг бошқа эҳтиёжларини тушунтиришда фойдаланишган<sup>1</sup>.

Козин (2007) фикрича, давлат буюртмаси нафақат давлат эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида, балки иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш учун инқироз ҳолатдаги тармоқларни қўллаб-қувватлаш инструменти сифатида ҳам намоён бўлади. Бундан ташқари давлат буюртмаси мамлакат инқирозга қарши сиёсатининг муҳим элементи бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин<sup>2</sup>.

1 Набиев Р.А., Ариқбаев Р.К. (2008) Повышение эффективности бюджетных расходов системы государственных заказов и закупок // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях.

2 Козин М.Н. (2007) Государственный оборонный заказ: теория и практика управления рисками: Монография. Вольск: ВВВУТ (ВИ). С. 15, 16.



Харидни ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики товарлар ва хизматларни йирик ҳажмда харид этишининг энг самарали шакли бу очик танловлар (тендер) ўтказишидир. БМТ ва Халқаро савдо ташкилоти кабилар ўз аъзоларига ушбу турдаги харидни амалга оширишни тавсия қиласидар.

Европа харид тизимини бошқариш тамойиллари кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилиги асосларини ташкил этади ва халқаро ҳужжатларда, жумладан, ХСТнинг давлат харири бўйича кўп томонлама шартномаларида ҳам ушбу тамойилларга амал қилиш қаттиқ белгилаб қўйилган.(1-расм)

**Ҳисоб беришлик** - давлат ва жамоат назоратини таъминлаган ҳолда харидни ташкил этиш шартларига тўлиқ риоя этиш

**Шаффофлик** - харид хақидаги маълумотнинг очиқлиги ва уни олиш имконияти

**Очиқ рақобат** - дискриминацияга йўл қўймаслик

**Ҳакконийлик** - хариднинг барча иштирокчилари учун teng имкониятлар бериш

### 2-расм. Европа харид тизимини бошқариш тамойиллари (Бурхонов ва Атамурадов, 2012)<sup>1</sup>

Давлат харидлари жараёни белгиланган тартиб ва кетма-кетлиқда амалга оширилиши зарур. Ҳар бир жараён маълум бир босқичлардан иборат бўлиб, ўзининг бошланғич давридан токи якуний натижасигача бўлган барча хатти-харакатлар мажмuinи қамраб олади. Мамлакатимизда давлат харидлари жараёни бир-бирига узвий боғлик бўлган 4 босқичлардан иборат.(2-расм)

#### 1- босқич

- давлат харидларини режалаштириш

#### 2- босқич

- харид қилиш тартиб таомилларини амалга ошириш

#### 3-босқич

- шартномани тузиш ва бажариш

#### 4-босқич

- давлат харидлари мониторинги

<sup>1</sup> Бурхонов У., Атамурадов Т. (2012) Давлат харири. –Т.: “Fan va texnologiya”



## ХУЛОСА

- товар (иш, хизмат)ларнинг давлат хариди учун сифат назоратини амалга оширувчи янгича тизим ишлаб чиқиши;
- Давлат харидлари тизими хақида кенг тушунчага эга бўлиш учун ҳамда у ҳақидаги маълумотлардан кўпчиликни хабардор қилиш мақсадида оммабоп сайтларда рекламалар жойлаштириш;

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 472-сонли қонун 2018 йил 9 апрел;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарори;



## ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Собиров Азизбек Авазбекович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-мөлия академияси

Тел: 998 94 439 17 77

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада қурилиш корхоналарни солиққа тортишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Солиқ, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шасхлардан олинадиган даромад солиғи, солиқ тўловчилар, солиқ солиш обьекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ даври.

**АННОТАЦИЯ:** В статье разработаны существующие проблемы налогообложения строительных предприятий и научные предложения и практические рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова:** Налог, налог на добавленную стоимость, налог на прибыль с юридических лиц, налог на прибыль с физических лиц, налогоплательщики, объект налогообложения, налоговая база, налоговая ставка, налоговый период.

**Annotation:** The article develops the existing problems of taxation of construction enterprises and scientific proposals and practical recommendations for their elimination.

**Keywords:** Tax, value added tax, income tax from legal entities, income tax from individuals, taxpayers, object of taxation, tax base, tax rate, tax period.

### Кириш

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар нафақат тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга, балки солиққа тортиш тизимини ҳам кенг ривожлантиришга қаратилган.

Солиқлар – давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча соҳалар қатори солиқ соҳасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келмоқда. Бу борадаги ишлар нафақат солиқ ва йифимларни ундириш, балки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қисқартириш ҳисобига давлат бюджети даромадларини шакллантиришга ҳам қаратилган.

Шу муносабат билан юртбошимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Кўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда ката қўшимча имкониятлар яратади.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик.<sup>1</sup>

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва йифимлар ҳисобидан шакллантирилади. Солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши давлат даражасида амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг ўз вақтида сарфланишини молиялаштиришга хизмат қиласди.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, уларга келгусида солиқ ва йифимлар бўйича бюджетга тушумларни кўпайтириш имконини

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020



берувчи механизмни яратиш, корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, асосли таклифлар топиш ва фаолиятини ривожлантириш, амалий маслаҳатлар ва аниқ ечимларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бириди.

Бу борада солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Солиқларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш солиқ қарзи юзага келишининг иложи борича олини олиш ва улар юзага келгандан кейин самарали ундириш орқали амалга оширилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг 51-моддасида “Фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”<sup>1</sup> деб белгиланган.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Халқаро иқтисодчи олимлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, уларнинг вазифалари, хусусиятлари ва ундаги муаммолар бўйича назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, Е.Вылкова, В.Бабанин, Н.Воронина, И.Сергеев, А.Галкин, В. Семенихин каби МДҲ иқтисодчи олимларининг илмий асарларида ўрганиб чиқилган ва таҳлил этилган.

Ўзбекистонлик олимлардан О.Мейлиев, У.Бердиева, А.Аманов ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида мсолиқларни режалаштириш, уларни ўз вақтида тўлаш, солиқ тўловларини минималлаштириш унинг аҳамияти ва вазифалари юзасидан илмий фикр -мулоҳазалари акс эттирилган.

С.Элмирзаев "Солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усусларидан фойдаланган ҳолда солиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир" деб таъкидлайди.

Х.Б.Зарипов фикрича, "солиқларни режалаштириш жараёнида асосий тижорат ва инвестицион натижаларга эришиш тўланадиган солиқлар суммаси даражасининг асосланган ёки оптималь миқдори орқали таъминланмоғи лозим.

### Таҳлил ва натижалар

Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, 2019–2022 йилларда товар айланма ва бажарилган ишлар ҳажми ўртacha йилдан йилга 15–20 фоизга ортди. Бироқ соҳа бўйича ўртacha харажатлар рентабеллиги 2021 йилдаги 10 фоиздан 2022 йилда 3,1 фоизга тушган.

Курилиш соҳасида фаолият юритаётган 20 303 та корхонанинг 5 мингга якинида (24%) ҳужжатларига мувофиқ, рентабеллик 0 фоиздан паст, 12 мингдан ортиғида (60%) 0 фоиздан 1 фоизгача ва 904 (4%) компанияда 1 фоиздан 3 фоизгача рентабеллик қайд этилган.

Курилиш вазирлиги ўтган йил бошидан буён қурилиш ва пудратчи ташкилотларга рейтинг баҳо бераб, уларга ААА (ишончлиликнинг энг юқори даражаси) дан Д (паст даражада-3) гача бўлган шкала бўйича ишончлилик тоифаларини белгилаб келмоқда. Баҳолаш мезонлари ташкилотнинг мухандислик-техник ходимларининг сонини ҳам ўз ичига олади.

23 июнь ҳолатига кўра, рейтингда иштирок этган 16 703 та ташкилотнинг бирортасига ААА ва АА тоифалари берилмаган, А тоифаси эса факат битта ташкилотда бор. Ташкилотлар сонининг асосий қисмини «ССС» (қониқарли даражада-1) — 3470 та корхона, «СС» (қониқарли даражада-2) — 3747 та корхона, «С» (қониқарли даражада-3) — 2740 та корхона ташкил этади. Шунингдек, яна 1837 та компанияга «ДДД» (пастки даражада-1) берилган.

Курилиш компаниялари амалиётида қуйидаги ҳолатлар қайд этилди:

- турар жой обьектларини ўртacha бозор нархидан кескин даражада паст нархда реализация қилиш (курилиш корхоналарининг бири Учтепа туманида қурилган янги кўпқаватли турар жой мажмуасидан 26 та квартирани ўртacha 1,8 млн сўмдан сотган);
- ҳисоботларда харажатларни сунъий равишда ошириб қўрсатиш орқали фаолиятини зарар билан якунлаш натижасида фойда солигини тўламаслик (масалан, солиқ тўловчи 2022 йил 1-чоракда 16 млрд сўм реализация амалга оширган бўлсада, фаолият 8 млрд сўм зарар билан якунлаган);
- жисмоний шахлар томонидан қурилиш корхоналари устав жамғармасига йирик

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-модда



миқдорда пул маблағлари, бино ва иншоотлар, қурилиш моллари (манбаси кўрсатилмаган ҳолда) киритиш ва реализация қилиниши (Мисол учун, 2 та таъсисчи жисмоний шахслар томонидан устав капитали 2021 йил бошидан бугунги кунга қадар 121 млрд сўмга тўлдирилган. Таъсисчиларнинг солик органларидағи маълумотларига асосан йиллик расмий даромади 3,4 млн сўмни ташкил этган);

• бажарилган ишлар ҳажмини ЭХФ расмийлаштирумаслик орқали яшириш (мисол учун, солик тўловчининг ҳисоб рақамига бажарилган ишлар учун 78 млрд сўм маблағлар келиб тушган бўлсада, солик ҳисботларида 15 млрд сўм айланма акс эттирилган).

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики хозирги кундаги энг куп соликдан қочиш кузатилаётган соҳа бу қурилиш соҳаси бўли келмоқда.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун қуидагиларни таклиф этиш мукин.

4. Қурилиш корхоналари томонидан асосий харид қилинадиган товаларни (алматура, цемент, шифер ва бошқа) маҳсулотларни биржа орқали эмас йирик савдо шахобчалари орқали сотилиши жорий қилиш.

5. Ахолига якка тартибда кўп квартирали уй-жой қураётган қурилиш корхоналари кўшилган қиймат солиги учун камайтирилган ставка жорий қилиш керак, шунда кўп-квартирали уй жойларнинг нархи ҳам камайишига олиб келинади.

6. Ипотека кредити орқали уй-жой харид қилган барча жимоний шахсларнинг даромад солиғидан имтиёз жорий қилиш керак. Ҳозирги кунда ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси солик кодексига асосан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солик даври давомида жами ўн беш миллион сўмгача бўлган миқдорда қоплашга, башарти якка тартиbdаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса деб келтириб ўтилган. Ушбу имтиёз фақат ойлик олиб ишлаётган жисмоний шасхлардан эмас ЯТТ ларга ҳам татбиқ этиш керак. ЯТТларнинг дародадидан ҳам чегириш нормасини киритиш керак. Шунда қурилиш корхоналари турар жой объектларини ўртacha бозор нархидан кескин даражада паст нархда реализация қилиш камаяди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020.

2. Sherov, A. (2015). Foreign experience in financing of higher educational system. Scientific enquiry in the contemporary world: theoretical basics and innovative approach [L 26], 1, 92-95..

3. А.Жўраев А.Аманов Х.Зарипов “Соликлар ва соликқ тортиси Дарслик. Тошкент 2021йил.

4. Margherita Ebraico (2015). An Assessment of the Performance of the Italian Tax Debt Collection System. Italia.Taxation papers

5. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси.

6. Sherov, A. B. (2022). Current issues of financing higher education institutions in the condition of an innovative economy. Gospodarka i Innowacje., 21, 127-130.



## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ярбеков Улугбек Машрабович**  
Ўз.Р. БМА магистранти

**Аннотация:** Мазкур диссертацияда давлат харидларини амалга оширишда ахборот коммуникация технологиялари, уни сифатини такомиллаштириш йўллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар баён этилган. шунингдек унда бюджет ташкилотларида давлат харидларини режалаштириш ва бу борада давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва давлат харидлари тизимининг аҳамияти, мавжуд муаммолар ва камчиликлар ўрганилган ва илмий, амалий хулоса ва таклифларишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлатхаридлари, режа-жадвал, электрон аукцион, электрон дўкон, бюджет харажати, товар, иш ва хизматлар хариди, очиқлик ва шаффоффлик, рақобат, электрон тендер, ижтимоий соҳа харажатлари.

**Annotation:** Description of information and communication technologies in public procurement in this dissertation is described in ways to improve their quality. It also discusses and the importance of public procurement in budget organizations and the importance of funds, existing problems and shortcomings and scientific, practical and proposals have been developed.

**Keywords:** Policy, schedule, electronic auctions, e-mails, budget expenses, goods, works, and communications, transparency, competition, electronic tenders, social spending.

### КИРИШ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда туб ўзгартериш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотлар давлат харидлари соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Хусусан 2018-2021 йиллар оралиғида “Давлат харидлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуннинг икки марта қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишлар қамрови ва муҳимлигини кўрсатиб турибди. Хар иккала қонун ҳам даврнинг ўзига хосликларини ўзида намоён этади ва ўз навбатида давлат харидлари соҳасидаги шиддатли ислоҳотларни ўзида мужассамлаштирган.

Давлат харидлари бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида уни янада кенгайтириш, очиқлиги ва самарадорлигини ошириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги ролини оптималлаштириш назарда тутилган.

Шу билан бирга давлат харидларини амалга ошириш тизимиға уни олдиндан режалаштириш каби хоридий илҳор тажрибалар ҳам кенг тадбиқ этиб келинмоқда.

Мамлакатда молиявий тизимни шакллантириш ва барқарорлаштириш, мазкур соҳани давлат томонидан бошқариш самарадорлигини белгилаш иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан бири сифатида амал қиласи.

Давлат хариди давлат молияси тизимининг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджети маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Мазкур вазифа факат давлатнинг ташаббуси ва фаол иштирокида бажарилиши мумкин, бунда маблағларини мақсадли бошқариш бўйича тегишли ташкилий-иктисодий, хуқуқий ва маҳсус чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

### 1-жадвал

#### Давлат харидлари натижалари таҳлили(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	Фарқи
<b>Битимларҳажми</b>	43 017,4	53 646,5	<b>10 629,1</b>
<b>Биржа савдолариҳажми</b>	37 507,4	46 711,2	<b>9 203,8</b>

1 2018-2021 йиллар оралиғида “Давлат харидлари тўғрисида” қонуни



<b>Давлат харидлари ҳажми</b>	3 801,1	4 312,6	<b>511,5</b>
Бюджет маблағларининг тежалиши	805,8	923,1	<b>117,3</b>
Бошланғич баҳога нисбатан маблағларининг тежалиши, фоизда	21,2	21,4	<b>0,2</b>

1-жадвал маълумотларини тахлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, умумий битимлар ҳажми 2019-2020 йилларда ортиб ортган. Жумладан, 2019 йилда улар миқдори 43,0 трлн. Сўм бўлган бўлса, 2020 йилда эса 53,6 трлн. сўмга етган.

Шундан биржа савдолари ҳажми миқдори 2019 йилда 37,0 трлн.сўм бўлган бўлса, 2020 йилда эса 46,7 трлн. сўмга етгани ҳолда битимларнинг асосий қисмини ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики иқтисодиётимизда биржа савдолари орқали амалга оширилаётган савдолар ортиб бориши сабабли рақобат муҳити ҳам яхшиланмоқда.

Шуларга мос равишда давлат харидлари миқдори ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда улар миқдори 3,8 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса бу 2020 йиилга келиб 4,3 трлн. сўмга етган.


Шунга мос равишда давлат харидлари жараёнида бюджет маблағларининг тежалиши миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда бюджет маблағларининг тежалиши миқдори 805,8млрд.сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда эса 923,1 млрд.сўмга етган ва 2019 йилга нисбатан 117,3 млрд. сўмга ортган.

Бюджет маблағларининг тежалишининг бошланғич баҳога нисбатан фоизи 2019 йилда 21,2 фоизни, 2020 йилда эса 21,4 фоизни ташкил қилган.

Айнан бюджет маблағларининг тежалиши фоизини давлат харидларини режалаштиришнинг натижадорлиги деб аташ мумкин.

Бюджет буюртмачиларининг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори 2018 йилда 402,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 605,5 млрд.сўм, 2020 йилда эса 2018 йилга нисбатан 175,4 млрд. сўмга ортиб, 577,6 млрд.сўмга етган.

Ушбу кўрсаткичларни график кўринишида янада якъол кўришимиз мумкин.



1-расм. Давлат харидлари ҳажми ва унинг натижалари тўғрисида маълумот



## ХУЛОСАЛАР

Мазкур магистрлик диссертациясини тайёрдаш натижасида қуидаги хулосаларни билдириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари соҳасини тартибга солиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан сўнг, давлат буюртмачилари сифатида бюджет ва корпоратив буюртмачилар этиб белгиланди. Улар ҳозирда беш хил турдаги харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари турларининг биридан фойдаланган ҳолда давлат харидлари жараённида иштирок этмоқдалар. Қонун қабул қилингандан сўнг дастлаб, давлат буюртмачилари томонидан электрон давлат харидлари сифатида электрон дўкон ҳамда бошлангич нархни пасайтириш учун ўtkазиладиган аукцион орқали савдолар амалга оширилаётган эди. Ҳозирги кунда эса танлов ва тендер савдоларининг ҳам электрон тартиби жорий қилиниб, ишга туширилмоқда. Республикаизда давлат харидларининг барча босқичларида қўлланилиши керак бўлган асосланганлик, очиқлик ва шаффоффлик, молиявий маблағлардан фойдаланишининг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги каби тамойиллар белгилаб берилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Вахобов А.В., Маликов Т.С. (2011) Молия дарслик Т: “Ношир” 712 бет.
2. Белов В.Е. (2005) Правовое регулирование размещения государственного заказа // Право и экономика. № 2.
3. Бурхонов У. (2010) Давлат хариди, infoCOM.uz МЧЖ нашриёти, Тошкент.
4. Бурхонов У., Атамурадов Т. (2012) Давлат хариди. –Т.: “Fan va texnologiya”. - 152 б.
5. ВМҚ-506 (2020) “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 август.
6. Крохина Ю.А. Финансовое право России. Учебник. Издательство НОРМ А Москва, 2008г 719 стр.
7. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. (2009) Молия:умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т. “Иқтисод-молия” 556 бет.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-КИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000